

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

34.Канимкулов О.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
35.Камолов Ж.М. ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
36.Курязова Д. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х. БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
38.Исматова Н.К. ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
39.Исматуллаев Ф.О. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
40.Кадирова М.Т. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
41.Каромов Ф.Ҳ. ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
42.Мажидов Ш.Ф. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
43.Мамадаминова Б. ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
44.Mattiyev O'.B. TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUIJATLARIDA YORITILISHI.....	353


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Камолов Ж.М.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети таянч докторанти

ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ

For citation: Kamalov J.M. HISTORY OF HEPTALITS IN SOURCES. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp.286-291

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-35>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Эфталитлар давлатчилиги тарихига оид маълумотлар, хусусан уларда қурилиш соҳасида, шаҳарсозлик маданияти, эфталитларнинг ёзги ва қишки қароргоҳлари вазифасини ўтаган шаҳарлар ҳақида маълумотлар берилган. Ўзбекистон худудидаги илк ўрта аср шаҳарлари уларнинг қурилиш услуги, меъморчилиги соҳалари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: шаҳар, қўрғон, буддавий вихаралар, шаҳристон, тадқиқотчи, қароргоҳ, қалъа, Арк, кўчманчи хаёт, ёдгорлик, кўшк-қароргоҳ, маросим заллари, осма кўприк.

Камалов Ю.М.

аспирант Ташкентского государственного
педагогического университета им. Низами

ИСТОРИЯ ЭФТАЛИТОВ В ИСТОЧНИКАХ

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся сведения об истории государственности эфталитов, в частности в области строительства, городской культуры, городов, которые служили летним и зимним поселениям эфталитов. Первые средневековые города Узбекистана были представлены своими методами строительства и областями архитектуры.

Ключевые слова: город, крепость, буддийский викарий, ратуша, исследователь, резиденция, замок, ковчег, кочевая жизнь, мемориал, резиденция,

церемониальный зал, висячий мост.

Kamalov J.M

PhD student at Tashkent State Pedagogical
University named after Nizami

HISTORY OF HEPTALITS IN SOURCES

ABSTRACT

The article provides information on the history of the Eftalites' statehood, in particular in the field of construction, urban culture, cities, which served as summer and winter settlements of Eftalites. The first medieval cities of Uzbekistan were represented by their construction methods and areas of architecture.

Keywords: city, fortress, Buddhist vicarage, town hall, explorer, residence, castle, Ark, nomadic life, memorial, residence, ceremony hall, hanging bridge.

Долзарблиги. Тарих зарварақларида из қолдирган хар бир халқ борки, хоҳ у кўчманчи бўлсин, хоҳ ўтроқ, унинг бой маданияти, урф-одатлари, турмуш-тарзи асрлар оша яшаб қолади. Бугунги кунда давлатчилигимиз тарихини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев тарихчилар олдига бир қатор вазифаларни қўйиб, жумладан "□Хамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак".[1]Давлатчилигимиз тарихида илк ўрта асрлар даври ўрганилишини кутиб ётган мавзулар талайгина, шулардан бири Эфталитлар даври шаҳарсозлиги бўлиб, кўчманчиларга хос ҳаёт тарзини яшаб келган бу халқнинг шаҳарсозлик маданиятига оз бўлсада ўз хиссасини қўшганини очиб беришга ҳаракат қилдик.

2.Методлари:

Ушбу мавзунини тадқиқ этишда тарихийлик, объективлик, қиёсий таққослаш, хронологик кетма кетлик ва тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланилди.

3.Тадқиқот натижалари:

Эфталитлар даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида деҳқонларнинг қаср-қўрғонларидан бир қанча шаҳарлар пайдо бўлади. Бу шаҳарларнинг архитектураси кўпроқ ерли халқларга тегишли бўлсада, бироқ уларда кўчманчи қабилаларнинг излари сақланиб қолган. Эфталитларда иқтисодий хўжалик ҳаёти уч қисмдан: шаҳарча, қишлоқ хўжалиги ва кўчманчи ҳаёт тарзидан иборат эди. Шаҳар-қўрғонлар қишлоқ аҳоли пунктларидан кўп эмас эди, аммо шаҳарларнинг иқтисодий, сиёсий, диний ва маданий аҳамияти қишлоқларга қараганда анча муҳимроқ эди. Бу ҳудудларда шаҳарсозлик кушонлар давридаёқ ривож топган бўлиб, эфталитлар замонида ҳам бу давом этди.Илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, хусусан Эфталитлар даври (V-VI асрлар)шаҳарлари ҳақида жуда кам маълумотга эга бўлишига қарамай, энг йирик шаҳарлари ҳақида манбалар етарлича. Биз уларни таҳлил қилиш давомида қуйидаги шаҳарларга алоҳида тўхталдикки бу шаҳарлар Эфталлар даврида муҳим стратегик объект бўлиши билан бир қаторда иқтисодий-савдо манзилгоҳлари ва йирик аҳоли хўжалик марказлари эди.

Илк ўрта асрларга оид йирик шаҳарлар жумласига қадимдан мавжуд бўлган Афросиёб, Болаликтепа, Варахша Бухоро, Пойканд, Тошкент, Термиз ва бошқаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудидаги илк ўрта асрларга мансуб шаҳарларнинг майдони унча катта бўлмаганлигини таъкидлаш лозим. Бу вақтда Самарқанднинг айланаси 3,5 км, Пойкандники 1,8 км, Фарғонадаги Косон шаҳриники 2 км ни ташкил этган.[2]

Шундай марказлардан бири Балх бўлиб, у ерда археологик қидирув ишлари олиб борилган. Ҳиндистонга будда роҳиб сифатида зиёратга борган Суан-Сианг "Буюк Тан даври Фарбий ўлкалар ҳақида ёзишмалар" асарида Поҳо (Балх)ни эфталит пойтахти сифатида таърифлайди. У сўзида давом этади: "Бу шаҳар жуда кучли бўлса ҳам, жуда зич жойлашган." Балхда 100 га яқин буддавий вихаралар (монастрлар) ва 3000 га яқин роҳиблар бўлган. Шаҳар ташқарисидан кейинчалик Наубаҳар деб номланувчи йирик будда монастири жойлашган эди.[3] V-VI асрларда Балх қандай кўринишга эга бўлганлиги ҳақида араб муаллифларининг тавсифларидан билиш мумкин.[4] Аммо араб муаллифларининг берган маълумотлари нисбатан кейинги асрларга тегишли бўлиб, археологик жиҳатдан етарли ўрганилган эмас.

Суан-Сианг маълумотларини давом эттириб Балхдан 20 мил шимолий-ғарбда Термиз шаҳри бўлганини, шаҳарда 10 га яқин ибодатхоналар ва уларнинг 1000 лаб роҳиблари бўлганлигини қайд этади. У ерда қазилган ишлари олиб борилган, аммо V-VII асрлар оралиғида шаҳар ҳақида жуда кам маълумот топилган. У тўртбурчаклар шаклидаги шаҳристондан (тахминан 10 гектар майдонда) ва девор билан ўралган катта шаҳарчадан иборат эди. Умумий майдони тахминан 70 га эди ва бутун шаҳар тахминан 6 км узунликдаги девор билан ўралган эди. Бу қалъа ҳам бўлган бўлиши мумкин.[5] Ушбу маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, бу юқоридаги шаҳар қалъалар Эфталитларнинг қишки турар жойи бўлиб хизмат қилган. Кўчманчиларга хос ҳаёт тарзи уларни доимий бир жойда яшаш имконини бермаган. Шу боис улар босиб олган ҳудудларида ҳам муқим туриб қолмаган. Йирик шаҳар кўрғонлар улар учун қишки қароргоҳ вазифасини бажарган бўлса, дашт ва яйловларда уларнинг ёзги қароргоҳлари ҳам мавжуд эди. Эфталитлар давлатининг пойтахти масаласида ҳам ҳануз тадқиқотчиларнинг фикрлари турлича бўлиб, Толстов, Фофуровлар Пойкандни, Бартолд Бадахшонни, Суан-Сианг маълумотларига таяниб Литвинский Балхни келтиради. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрларига асосланиб айтишимиз мумкинки, Эфталларнинг пойтахти хозиги Бухоро воҳасида бўлган.

Бу даврда шунингдек Эфталлар давлати сарҳадларининг кенгайиб бориши натижасида унинг чегаралари Ҳиндистонда Гвалиоргача бориб етди. Эфтал хукмдори Михракула Ҳиндистонда Миҳирапур шаҳрига асос солди, Гандхарадаги Сакала шаҳари маълум бир вақт мобайнида шарқий пойтахт вазифасини ўтади.[6] Ушбу маълумотлардан хулоса қилишимиз мумкинки Эфталлар нафақат мавжуд шаҳар-кўрғонлардан фойдаланди балки ўзлари ҳам кичик шаҳарларга асос солди.

Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида Эфталитларнинг бир қатор таянч шаҳар кўрғонлари мавжуд бўлиб, буларга Панжикент, Варахша, Пойканд, Афросиёб, Болаликтепа, Кофирқалъа кабиларни киритиш мумкин.

Суан-Сианг маълумотларини давом эттирар экан Литвинский Кофирқалъа ҳақида қуйдагиларни ёзади: "Ху-ша (ёки Вахш) вилоятининг пойтахтидан (60-

70(иатрофида)* Вахш водийсида Кофир қалъа жойлашган. Кофир қалъа девор билан ўралган тўртбурчаклар шаҳар бўлиб, бир бурчагида 360x360 мўлчамдаги қалъа жойлашган бўлиб, қалъа девор билан ўралган бўлиб, қалъа ҳукмдор саройини ўз ичига олган, шаҳарнинг ярмида мустаҳкам савдо бинолари бўлиб улар магистрал йўллар орқали ҳукмдор Аркига ва марказий шаҳар майдонида туташиб кетар эди. Шаҳар атрофида катта кичик қалъа-қўрғонлар мавжуд эди." [7]

*li - Хитойда ўлчов бирлиги. 1 li тахминан 500 м ташкил этган.

Кофирқалъанинг пайдо бўлишида V асрда қазилган сугориш иншооти Дарғом канали алоҳида аҳамиятга эга. Кофирқалъа Дарғом каналининг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, кўҳна Афросиёб шаҳридан 12 км жанубда, Панжикент харобасидан 50 км ғарбда жойлашган. Ёдгорликни денгиз сатҳидан баландлиги 796 м. Талли Барзу ва Кофирқалъа ёдгорлиги ўртасидаги масофа 68 км ни ташкил этади.[8] Кофирқалъанинг шаҳристони ва арки тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, уларнинг томонлари 360 м.ни ташкил этади. Арк шаҳарнинг шимолий-шарқий бурчагида жойлашган, квадрат шаклда (76x76м) деворининг баландлиги 20м.[9] Шаҳарнинг марказий қисмида унча катта бўлмаган майдон бор (35x40). Кофирқалъа аркининг асосан минора билан ташқари томони ўраб олинган бўлиб, улар думолоқ ва тўртбурчак кўринишда. Шимоли-ғарбий бурчакда жойлашган буржнинг улчами 9,4x9,6м. Шаҳар ҳандақ билан ўраб олинган. Хусусан, Кофирқалъа аркини шаҳардан ажратиб туриш учун ҳандақ қилинган бўлиб, у бутун аркни деярли ўраб олган. Унинг кенлиги 27м бўлиб аркнинг жанубий томонига торайиб 18 м ташкил этади. Мана шу жануби-ғарбий бурчагида чуқурлик бор. А.Бердимуродонинг тахмин қилишича, шу ерда кўтарилиб тушириладиган ҳандақ устига қўйилган, шаҳарни арк билан боғлайдиган кўприк бўлган.[10] Ёдгорликнинг шимоли-шарқий томони Дарғом канали билан ўраб олинган бўлиб, аркнинг устидан шаҳар яққол кўриниб туради. Унинг шимоли-жанубий томонидан Самарқанд, тоғолди томони Шаҳрисабз жойлашганлиги боис муҳим стратегик аҳамиятли жойда жойлашган. Минора уч қаватли бўлиб бизгача фақат унинг икки қаватигина етиб келган. Усти қисми хом гиштдан гумбазсимон қилиб қурилган. Аркнинг миноралари ўзаро коридор билан боғланган бўлиб, бу коридорлар уруш пайтида мустаҳкам ҳимоя учун қўл келган. Коридорнинг эни 1,5м ташкил этади.[11]

Кофирқалъа шаҳар қалъаси Эфталитларнинг мустаҳкам қўрғонларидан бўлиб, Дарғом бўйида жойлашиб, Самарқанддан Панжикент томон,

Самарқанддан Жанубий Суғд томон боровчи муҳим савдо йўлида жойлашган. Шу сабабли у стратегик аҳамиятга эга бўлиб, жанубий томондан келадиган хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб ҳам турган. Бундан ташқари Кофирқалъа муҳим бошқарув аҳамиятга ҳам эга эди.

Ю.Таиншан Эфталитларнинг архетектурасидаги, қабрстондаги мономентларда форсий анъаналарнинг излари бўлиб, бу эфталларнинг кўпгина анъаналарида сосонийларнинг таъсири бўлганлигини, бироқ, Болаликтепа харобаларида бундай ҳолат кузатилмаслигини, улар ўзига хос, форсийга ўхшамаган тасвирларга эга эканлигини қайд этган.[12] Болаликтепа- VI-VII асрларга мансуб катта ер эгаси (деҳқон) кўшки-қароргоҳи. Тошкент-Термиз автомобиль йўлидан 2 км шимоли-шарқда жойлашган. Ватанимиз ҳудудидаги жаҳонга машҳур археологик ёдгорликларидан бири. Болаликтепа илк бора археолог Л.И.Альбаум томонидан 1953-1956 йилларда тўлиқ қазиб очилган. Томонлари 30x30 м, ундаги иншоот 6 метр пахса саҳн тепасида қурилган.

Л.И.Альбаум ва В.А.Нильсен фикрига кўра, айна шу 6 метрли пахса саҳн

устида даставвал томонлари 24x24,5 метрга тенг ҳовли қурилади. Бу уйнинг тарҳи жуда оддий бўлган. Унинг марказида томонлари 14,5 метрни ташкил этган ҳовли жойлашган. Ҳовлининг тўрт томони эса тор узун йўлаксимон хоналардан таркиб топган, бинога кириш қисм эса унинг жануби-шарқий бурчагида бўлиб, унга осма кўприк орқали ўтилган. Болаликтепа асосий қисмидан бир неча метр узоқликда жойлашган буржга (бурж-мудофаа истехкоми тури) ўхшаш иншоот мавжуд бўлиб, осма кўприк Болаликтепадан айна шу буржга йўналган бўлган. Бу қурилиш ишлари милодий V асрда амалга оширилган. Милодий V асрнинг охири - V асрнинг бошида ҳовли вазифасини ўтаган бино марказий қисмида қабул ва маросимларга мўлжалланган қабул ва маросим заллари қурилади. Айна шу қурилиш босқичида қабул залларидан бири базм маросимларига бағишланган деворий суратларга безалади. Таъкидлаш жоизки, аксарият тарихчи, археолог ва санъатшунослар Болаликтепа кўшкени, шу жумладан, унда сақланиб қолган деворий суратларни VI-VII асрларга оид деб ҳисоблайдилар.[13]

Мазкур ёдгорликнинг деворларида илк ўрта асрлар даврига оид 47 та одам қиёфаси тасвирланган расмларда аслзодаларнинг зиёфат базми акс эттирилган. Болаликтепа деворий суратларидаги зиёфат лавҳаларини тадқиқотчилар дунёвий ва диний мазмунларга йўйишади. Маълумки қўл ва бармоқлар ҳолатлари билан тасвирий санъатда маросим ва базмлардаги шахсларнинг хаёлий кечинмалари ҳам берилган. Болаликтепа суратларида одамларнинг либослари, тақинчоқлари, елпиғичлар, қўлларида ушлаб турган қадахлар юксак маҳорат билан чизилган. Расмларда одамларнинг тасвири ҳам юксак маҳорат билан чизилган. Уларнинг юз кўриниши ва этник тузилиши уларни туркий қиёфадаги маҳаллий аҳоли - тохарлар (эфталлар) деб қарашимизга асос бўлади.

Эфталлар даври шаҳарсозлигининг яна бир намунаси, (кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра давлат пойтахти) ҳозирги Бухоро воҳаси худудидаги Пойканд шаҳридир. Бухоро - Марв карвон йўлида

жойлашган Пойкент илк ўрта асрларда иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга йирик шаҳарлардан эди. Эфталитларнинг сиёсий маркази бўлган бу шаҳар Турк ҳоқонлиги даврида ҳам ўз мавқенини сақлаб қолди.[14]

Пойкент илк ўрта асрлар даврида, араб истилоси арафасида ҳам йирик савдо маркази сифатида машҳур бўлган. Пойкентликлар Хитой ва денгиз орқали бориладиган бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари олиб борганлар. Бу шаҳарни мустаҳкам қалъасиборлиги учун жездан қурилган шаҳар деб атаганлар. Қутайба ибн Муслимбошчилигидаги араб қўшинлари ҳам бу шаҳарни забт этишда кўпқийинчилик кўрган. Бухородан қадимийроқ бу шаҳарни исломгача бўлганподшоҳлар ўзларига қароргоқ қилганлар.[15]

Буюк ипак йўлида жойлашган қадимги Пойкентда дорихона мавжуд

бўлганлигидан далолат берувчи топилмалар ҳам олингани маълум.[16] Бу ҳам шаҳарни Суғднинг йирик маданий марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Эфталлар даврида Пойкент давлатнинг энг муҳим стратегик таянчи бўлиб, Турклар ва сосонийларга қарши урушларда муҳим рол ўйнаган. Бу шаҳар минтақанинг муҳим савдо йўлида жойлашгани билан ҳам кейинги асрларда иқтисодий-савдо маркази ролини бажариб келган.

4. Хулосалар:

Эфталитлар даври шаҳарсозлиги шуниси билан хусусиятлики бу даврда эфталлар томонидан асос солинган архитектура намуналарини деярли учратмаймиз. Кўчманчи халқ сифатида улар ўзларидан олдин қурилган шаҳарлардан таянч

қароргоҳ сифатида фойдаланиб келди. Қурилиш ишлари жуда кам содир бўлди. Минтақадаги мавжуд вазият ерли халқларни эфталитлар олиб борган сиёсат натижасида иқтисодий-хўжалик, қурилиш соҳаларининг жадал ривожланиб кета олмаслигига олиб келди. Шундай бўлсада Эфталитлар даври шаҳарсозлиги сифатида биз юқорида илк ўрта асрларнинг бир қатор шаҳар қўрғонларини тавсифлашга ҳаракат қилдик.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ш.Мирзиёев. Ислом цивилизацияси марказини очилишида сўзлаган нутқидан. 2018-йил 15-июн
2. <https://aim.uz/referaty/56-istoriya/5492-o-rta-osiyoda-qadimgi-va-o-rta-asr-shaharlari-tarixi.html>
3. Litvinsky V.A. THE NEPHTHALITE EMPIRE. UNESCO-1996. 152-b
4. Schwartz P. "Bemerkungen zu den arabischen Nachrichten über Balkh," in *Oriental Studies in Honour of Curetji Erachji Pavry*, ed. Jal Dastur Curetji Pavry, London, 1933, pp. 434-43.
5. Litvinsky V. A. THE NEPHTHALITE EMPIRE. UNESCO-1996. 152-b
6. Murodova D.H. O'zbekiston hududidagi ilk o'rta asr davlatlari: Eftaliylar davlati va Turk xoqonligi. -Т.: O'zDJTI nashriyot-matbaa bo'limi, 2011 y. 17-bet
7. Litvinsky V. A. THE NEPHTHALITE EMPIRE. UNESCO-1996. 152-b
8. Бердимуродов А.Э., Пардаев. М.Х., Энрико М., Бернардо Р., Мантеллин С. (Узбекистан, Италия) Научный отчет Кафир-калинской экспедиции за 2002 год. 2003. -С. 6
9. Бердимуродов А.Э., Пардаев. М.Х., Энрико М., Бернардо Р., Мантеллин С. (Узбекистан, Италия) Научный отчет Кафир-калинской экспедиции за 2002 год. 2003. -С. 5-6
10. Бердимуродов А.Э., Асқаров К.К. Кофир қалъанинг муҳофаа усуллари ва тармоқлари // Ўзбекистон-қадимда ва ўрта асрларда. -С.,1992. -Б. 57
11. Бердимуродов А.Э., Асқаров К. К. Кофир қалъанинг муҳофаа усуллари ва тармоқлари // Ўзбекистон-қадимда ва ўрта асрларда. -С.,1992. -Б. 58
12. YuTainshan. History of the Yedatribe (Nepththalites): Furt her Issues. -P. 82
13. <https://uzbekistan.travel/p/bolaliktepa/>
14. Наршахий. Бухоро тарихи // Мерос. - Тошкент: Камалак, 1991. - Б. 91.
15. Наршахий. Бухоро тарихи // Мерос. - Тошкент: Камалак, 1991. - Б. 100.
16. Семенов Г.Л. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1988. - С. 63-64, 177-178.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000